Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ★ 8 январь 1969 йил, чоршанба ★ № 6 (14.169). ◆ Баҳоси 2 тийин.

ЧЕТ ЭЛ ДЕЛЕГАЦИЯЛАРИ ШАРАФИГА ЗИЁФАТ

ВЕНА. 7 январь. (ТАСС). Австрия Коммунистик партияси Марказий Комитети кеча Австрия Коммунистик партиясининг шу куни тамом бўлган XX съезди ишида қатнашган коммунистик ва ишчи партиялар делегациялари шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда Австрия Коммунистик партиясининг раиси Франц Мури нутқ сўзлади. У Австрия Коммунистик партияси XX съездининг ишида қатнашганликлари учун қардош партиялар делегацияларига ташаккур изҳор қилди.

КПСС делегациясининг раҳбари, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов жавоб нутқи сўзлади.

«Биз, — деди Ш. Р. Рашидов, — Австрия Компартиясининг кўпгина принципиал масалалардаги позициялари КПСС позицияларига тўғри келганлигини мамнуният билан қайд қиламиз. Бу нарса КПСС ва Австрия Компартияси делегациялари ўртасида Москвада олиб борилган музокаралар тўғрисидаги ахборотда ўз ифодасини топди.

Австрия Коммунистик партиясининг XX съезди шуни кўрсатдики, Австрия коммунистлари партияда рўй берган қийинчиликларни бартараф қилиш, марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми асосида партия сафларини ғоявий, сиёсий ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлашга эришиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Совет коммунистларига келганда шуни айтиш керакки, улар Австрия коммунистлари билан қардошларча ҳамкорлик, дўстлик ва интернационал бирдамлик традицион муносабатларини марксизм-ленинизм принциплари асосида муваффақиятли суратда ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун ҳамма чораларни кўришга тайёрдирлар ва шундай чораларни кўрадилар».

ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМГА САДОҚАТ

«Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!». Ана шу жанговар чақириқ, жанговар шиорда ишчилар синфининг, барча меҳнат аҳлининг идеологияси, сиёсати ўзининг яққол ифодасини топган. К. Маркс ва Ф. Энгельс кашф этган пролетар интернационализмининг асосий принципларини В. И. Ленин янада бойитди, ижодий ривожлантирди. В. И. Ленин пролетар интернационализми буржуа миллатчилиги билан асло, сира келиша олмайдиган идеология, дунёқараш эканлигини таъриф лаб, «Биз — миллий душманликнинг, миллий низоннинг, миллий айримликнинг душманимиз. Биз — халқарочилар, интернационалистлармиз» деган эди.

Коммунистик партия совет кишиларини худди ана шу рухда тарбиялямоқда. Пролетар интернационализмининг ҳаётбахш ғоялари коммунизм қураётган совет кишиларининг қалбига чуқур сингиб кетган. Советлар диёрида миллатларнинг тенглик, ҳамкорлик, дўстлик муносабатлари метиндек мустаҳкам қарор топган. Улуғ мақсадларнинг бирлиги, коммунизмга чексиз содиқлик, чуқур интернационализм, ажойиб совет ватанпарварлиги, дўстлик ва қардошлигининг гўзал туйғулари, миллий фазилат ҳамда анъаналарни ҳурматлаш, эъзозлаш жамиятимиз аъзоларининг инсоний, гражданлик бурчи бўлиб қолган. Бизнинг жамиятимизда миллатчилик, маҳаллийчилик сингари зарарли иллатлар илдизи билан йўқ қилиб ташланган. Дўстлик, биродарлик ғоялари мустаҳкам қарор топган. Буларнинг ҳаммасига партиямиз изчиллик билан амалга оширган ленинча миллий сиёсат, интернационалистик сиёсат туфайли эришдик.

Социализмнинг Шарқдаги машъали сифатида жаҳонга довруғи таралган кўп миллатли Ўзбекистон чинакам интернационал ўлка, халқлар дўстлиги чинакам қарор топган ўлка. Бу КПССнинг жанговар отрядларидан бири бўлган Ўзбекистон партия ташкилоти меҳнаткашларни социалистик интернационализм, ленинча халқлар дўстлиги руҳида тарбиялаш борасида амалга ошираётган жуда катта сиёсий-тарбиявий ишларнинг яққол самарасидир, албатта. Республикамиз Компартиясининг съездлари ва пленумлари, ижодий ташкилотлар ва илм соҳиблари нинг анжуманлари, ишлаб чиқариш ходимлари даврасида ўтказилаётган ижодий, дўстона учрашувлар, хуллас қаерда бўлмасин бирор маросим бўлса социалистик интернационализмнинг улуғвор ғоялари билан суғорилган бўлади. Шунинг учун ҳам олтмишдан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилиб, ижод этаётган, коммунистик жамият қурилишига муносиб ҳисса қўшаётган Ўзбекистон Совет ҳокимияти йилларида қудратли индустриал-колхозлашган республика бўйиб қолди. Совет ҳокимияти туфайли, социализм туфайли чинакам дўстлик, ўртоқлик қарор топган, миллатларнинг ажойиб ҳамдўстлиги ёрқин ғалаба қилган интернационал ўлкага айландик.

Ўзбекистоннинг шунчалик шонли ўтмиши

ЧЎҚҚИЛАРДА ҚОР...

РЕПОРТАЖ

Тоғ чўққиларида, қояларда қор... Қумуш қор. Виқор билан кўкка бўй чўзган тоғларнинг қишки манзарасини кузатганмисиз? Пастда қишлоқ олисолисларга чўзилиб кетган сўқмоқ йўллар илон изидай кўзга ташланади. Қоялар кеча-кундуз уйғоқ. Қоялар худди кўксини қалқон этгандай қишлоқларни, дала ва боғларни совуқ шамоллардан, жазирама ҳароратдан сақлаб туради. Қояларда қор... Мўътабар кексаликни, сочлари оппоқ, соқоллари оппоқ, кўнгилларн оқ отахонларимизни — қояларга, оппоқ сочларини — қоялар узра қўнган қорга ўхшатишга жўръат этдик.

Ана дарё... Дарё суви сокин, салобат билан оқяпти. У баҳор кезлари уммондай қиргоқларга тўлқин уриб, чайқалиб, шовқин солиб оқади. Соҳилларни ювиб ўтади. Ёз бўйи водийлар, қақроқ чўлларга, ғаллазор қирларга, ниҳол қадалган боғларга оби-ҳаёт элтади. Чанқоқ лабларга бўса элтади, гуллар яноғига шабнам бўлиб қўнади, ғўзалар қулоғига сирга тақади. Кўз... Дарё суви шаффофланиб, тиниб, ўзга салобатга киради.

Мўътабар кексаликни, нуроний отахонларимиз ҳаётини шу сертўлқин, салобатли нахрга — оби-ҳаётга, тўла дарёга ўхшатгимиз келди. Негаки, шу чўққилардаги қор дарёларга сув берган, ташналарни суғорган, элга саховат, рўшнолик элтган, ниҳолларнинг қаддини кўтарган.

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган отахоллар ҳаёти шундай дарёйи азимки, ундан ҳар қанча сув олган билан тамом бўлмас. Муҳтарам ўқувчи, шу нахрдан бир томчи олиб — оталар ҳаётидан бир қатрасини саҳифаларга тизиб эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз.

Биз Тошкент область, Товоқсой посёлкасида жойлашган «Меҳнат ветеранлари пансионатида» бўлдик. Пансионат Ўзбекистоннинг гоят баҳаво жойига, қорли тоғлар этагига жойлашган. Бу ерда бахтли кексаликнинг завқи-шуурини тотиб, ҳукуматимизнинг эъзозу ардоғида истиқомат қилаётган 80 ёшдан 102 ёшгача бўлган меҳнат ветеранлари, Совет ҳукуматини қуришда жонбозлик кўрсатганлар, Улуғ Октябрь революцияси, гражданлар уруши қаҳрамонлари, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, инвалид оталаримиз, оналаримизнинг ажойиб сермазмун ҳаёти билан танишдик.

Ёшликда бахт учун яшайди, курашади, ишод қилади одам. Курашганга эса толе ёр дейди доно халқимиз. Бутун йигитлик ғайратини курашларда, жангу-жадалларда ўтказган бу кумуш соқоллари биз бугун толе қучоғида кўрдик. Ҳа, уларнинг ҳар бирининг бир тарихи бор, ҳар бирининг ҳаёти бир китобга мавзу бўлгудай сермазмун, сермаҳсул. Уларни кексалар дейишга кўнгил бўлмайди. Зотан улардан ёшликни, шўхликни, кўҳликни ўрганмоқ керакка ўхшайди.

Ажабланманг,
кенса юракда
Муҳаббатнинг сурури бўлса,
Тоғ кўтарса у бир биланда
Кўзларида ой нури бўлса
Ажабланманг, юзда-ю ёши
Кўринмаса қўлида асо.
Ҳазилларга бой у, дилкаш у,
Қаришн ўт, қоматн расо.
Ажабланманг,
кумуш тоғ каби
Соқоллилар — толе десалар
Қутлуғ йўлда курашлар
ҳали
Яшармоқда бугун кексалар.

Ўзбекистон Соцмал-таъминот министрлиги ташаббуси билан очилган меҳнат ветеранлари пансионатини — толе уйи деб атасак тўғри бўлур. Бу боғда умр кечираётган қарияларнинг ҳар бири билан суҳбатлашиб шу фикрга келдик. «Партия ва ҳукуматимизга, инсонпарвар халқимизга раҳмат!» Бу сўзларни уларнинг ҳар биридан эшитдик. Қаранг, тўлқинланмай, ҳаяжондан бош тебратмай иложингиз йўқ. Қариялар эзъозу иззатда. Улар врачлар, оналар, ҳамширалар ардоғида. Озода, шинам хоналар. Ҳар икки киши учун битта хона ажратилган. Бепул кийим-кечак, озиқ-овқат, кино, телевизор, радио, қишки театр зали, ёзги эстрада улар хизматида. Ёзин-қишин тўл мева, мева шарбати. Тикиш устахоналари, устачилик дастгоҳлари. 8 гектарлик боғ-узумзорлар, олмазорлар баҳор, ёз, куз фаслларн

Майли, дедик қизиқсиниб. Тез орада кундузги ухлаш соати тугаги-ю хоналар очилиб, кенг зал бир пастда қариялларга тўлди. Бир пастда давра ҳосил бўлди. 72 ёшли меҳнат қаҳрамони Р. К. Добоссарская билан таништирдилар. Аёл толе уйининг шоирасн экан. У ўзи ёзган «Ўйқу», «Бахтли кексалик», «Мирзачўл» каби шеърларини ўқиб берди. Реко Николаевна жуда кўп шоирларнинг шеърларини ёд билар. ўзи ҳам шеърлар ёзаркан. Бир даста шеърларини кўздан кечирдик. Ҳар сатрида замон улуғланар, партия ва ҳукуматимизга миннатдорчилик туйғуларини ўқиш мумкин эди. Реко Николаевна урушни лаънатловчи яна бир шеърини декламация қилиб берди. «Уруш кўп офатлар келтиришини ким билмайди. Оналар... уруш доғи кўксимизда ҳамон. Не-не лочинларимизни бағримиздан юлиб олди у». Даврада жимлик. Ҳамма ҳаёлга чўмган. Самбит гули ёнидаги креслода ўтирган кекса аёлнинг кўзида ёш кўринди. Аёлнинг шу тобдаги изтиробига бефарқ қараб бўлмас эди. Аста ёнига бордик. Кўзига ёш олиб уруш даҳшатларини эслаган бу аёл Ольга Дмитриевна Петухова эди. Ольга Дмитриевна босмачиларга қарши курашларда, 1941—45 йиллар Улуғ Ватан уруши жангларида қатнашган. 1918 йиллар... 2 та ўғил чақалоғи билан санитар поездида оқ гвардиячиларга қарши курашларда иштирок этди. 1941 йили эса ўша 2 ўғлонини, турмуш ўртоғини фронтга узатди. Ўғилларини тортиб олган, очларга ғамхўрлик қилган. Ота ҳикоясини жон қулоғимиз билан эшитдик. У ҳар гап орасида «ойнанай, чарогим», «бу замонинг қадрига етинглар» деб қўярди. Бу ерда бўлган одам ҳеч бир қурортни орзу қилмайди, деб қўйдилар ота қорли чўққиларга ингоҳини қадаб.

— Зерикмайсизми, ишқилиб? — сўраймиз.

— Зерикиш қаёқда, бутун ёшлигимиз тўполонли йилларда ўтди. Жангу-жадаллардан ортмадик. Мундоқ хаёл суришга, китоб мутолаа этишга, ғазалхонлик қилишга ҳам фурсатимиз бўлмаганди. Мана энди ҳазрати Навоий, Умар Ҳайём, Фузулий ғазаллари, ҳикматларининг маъносини чақиб, шаробдай симиряпмиз. Ота шеърият, ғазал нафосати ҳақида ёниб гапирдилар. Эдингиздами,— деди у.— Ҳазрати Навоийнинг бир байт ғазалига устоз Лутфий умр бўйи ёзган дурдона ғазалларини алмаштирмоқчи бўлган эканлар.

Мана ўша байт:

Оразинг ёпқоч кўзимдин
тўкилур ҳар лаҳза ёш,
Уйланим, пайдо бўлур юлдуз,
ниҳон бўлгач қуёш.

Мен ҳам шу бахтиёр кексалик даврларини бутун умрим мазмунига тенг кўраман, дейдилар отахон қиссадан ҳисса ясаб.

Комилжон Кўрчиев ҳам Улуғ Ватан уруши шиддали. Харьков фронти воқеаларидан сўзлаб берди. Дон бўйларидаги жангларда қўлидан яраланган экан. Сўнг оёғи ревматизм бўлиб 3 йил госпиталда ётибди. У киши ҳам мавлоно Муқимий ғазалларидан ўқиб бердилар. Мамадали Раҳмонов Украина фронтида хизмат қилган экан. II группа инвалиди бўлишига қарамай, пансионатнинг 8 гектарлик боғини ўзи парвариш қиларкан. Баҳор келиши билан ороғим йўқолади дейди. Узум навдаларини қизлар сочидай тароқлашни севаман. Ҳар гул, ниҳол қошида термулиб, ғунчаларни ташна бўлиб кутамаш. Бу ерда ҳаммаёқ гул. Баҳорда ана у тоғлар алвон лолаларга тўлади.

Муҳтарам ўқувчи, доноларимиз мўътабар кексалик хусусида жуда ажиб фикр, ҳикматларни айтиб қолдириб кетишган бизга. Мана, ёдингизга олиб кўринг-а: француз философи Вальтеррнинг айтишича «Кексалик ҳожил учун қишдир, олим учун ўрим пайтидир». «Кимки ҳаёт шаъмни илм ила ёқди, ҳаёти асрлар сўнмади, балки» (Бедил). «Камолотга етган қалбгина, чинакамига сева олади» (Белинский). Яна: «Тиш инжулари оғизда терилиб турса, пазмдай кўркам бўлади, оғиздан тушиб насрдай сочилса, қиммати кетади» (Навоий). Биз буларни беҳуда эсламадик. Толе уйининг 2-қаватидаги бир ҳонада — 102 ёшли бобо Артём Захарович Костенко ва унинг меҳрибони Вера Ивановна Мальцевнинг ҳузурида бўлганимизда меҳр-муҳаббатнинг кучига тан бердик. Артём бобо ўзи украиналик. Умр бўйи от миниб хизмат қилган. Умрининг сўнгги 30 йилини Ўзбекистонимизда ўтказган. Бобо 101 ёшигача хоналарни ўзи йиғиштирар, боғлар оралаб сайр қиларкан. 102 ёш бетобликни ёдига солибди. Вера хола уни шу қадар авайлаб, эҳтиётлаб парвариш қиларканки, ёш хизматчилар бу иноқлик, тотувлик, ажиб бегубор умргузаронликни кўриб ҳаётларини қайтадан қуришибди. Борди-ю Вера хола бирор ёққа иш билан чиқиб кетса-ю ироқлаб қолса бобонинг тинчи йўқолар, кўзлари дераза она эшикка интизор тикилар экан. Борди-ю ҳикрон соати чўзиладиган бўлса бобо ҳассасини тўқиллатиб уни излаб кетаркан. Мана. 2 ҳамроз қаршисидамиз. Вера Ивановна бобонинг кўксига тушиб турган кумуш соқолини силаганда бобонинг кўзларида ёш йилтиради. Бу меҳр-муҳаббат ёшини кўриб, юрагинг тўлқинланмай илож йўқ. Одамзоддан қоладиган бирдан-бир қиммат-баҳо нарса — бу мол дунё, жавоҳирлар эмас, меҳр-муҳаббат, иззат-ҳурматдир. Бундай меҳрнинг ҳар қатраси тупроқни қимё қилишга қодир. Бобога узоқ умр, соғлиқ тилаб ташқарига чиқдик. Мусаффо тоғ ҳавоси кўнгилга хуш ёқди. Қаршимизда қорли чўққилар. Хаёллар, ҳаяжон оғушида қиш уйқусига кетган олмазорлар, она ерга бош қўйиб сокин тин олаётган узумзорларни кўздан кечирдик. Толе уйининг директори, ишчан, жонкуяр, пенсионер, кекса партия ходими ҳурматли Обид Усмоновнинг суҳбатида бўлдик. Сўрашга ўҳшат қолмади. Ҳаммасини ўз кўзимиз билан кўрдик. Хоҳ оилавий, хоҳ ёлғиз бўлсин бу пансионат қариялар, меҳнат қаҳрамонлари, инвалидлар, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари учун ҳамиша очиқ. 255 ўринли жой, врачлар, бой кутубхона, биллиардхона, боғ, полиз яна қанчадан-қанча қулайликлар уларнинг хизматида. Ҳаммаёқ чиннидек озода, ўринлар юмшоқ. Ўринларгина эмас, кўнгиллар ҳам юмшоқ. Чунки энагалардан тортиб бош врачгача бир-бирлари билан гоят беозор, юмшоқ сўзлашади улар. Кекса кўнгил бамисоли гул очишга маҳтал турган ғунчадир. Бу ғунча салгина шамолга тебранса озор чекади, салгина ғуборлан изтиробга тушади. Толе уйида ҳар ғунча, ҳар ниҳол, ҳар кўнгил ардоғда, эъзозда. Биз буни ўз кўзимиз билан кўриб, иқрор бўлдик.

Азиз, муҳтарам қариялар — толе уйига марҳамат.

Эътибор ОХУНОВА.
Товоқсой посёлкаси.

Суратларда: Толе уйининг қариялари.

Маҳаллий Советлар иш тажрибасидан

ЮКСАЛИШ

Районимиз экономикаси ва маданияти йил сайин ривожланмоқда. Ҳар йилдагидек беш йиллиқнинг учинчи йилида ҳам маҳаллий саноат ходимлари 1968 йилга белгиланган план ва топшириқларини ошириб бажардилар. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари эришган ютуқлар, айниқса қувончли. Колхоз ва совхозларнинг деҳқонлари, чорвадорлари район бўйича пахта, дон, сут, тухум, қоракўл тери, жун, пилла, сабзавот ва полиз маҳсулотлари тайёрлаш йиллик планларини анча ошириб ado этдилар.

Район экономикасининг ривожланиши капитал қурилиш, ободончилик ишларини кенг кўламда олиб бориш имконини туғдиради. Кейинги икки йил мобайнида районимизда 17 миллион сўм ҳажмда капитал қурилиш ишлари бажарилди. Пачкамар сув омбори қуриб битказилди. Пахта тозалаш заводи, тош кесиш заводи, телевизор минораси, 90 километр узунликдаги янги йўллар қурилди, 689 квартира газлаштирилди. Шу даврда ичида 10574 квадрат метр уй-жой қурилиб фойдаланишга топширилди, 26 километр узунликда канал қазилди ва бетонлаштирилди.

Аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондиришда, янги обод уй-жойлар қуриш, мактаблар, болалар боғчалари ва ясилари, кино, поликлиникалар, касалхоналар тармоқларини кенгайтиришда меҳнаткашлар депутатлари район, қишлоқ Советлари, маҳаллий Совет депутатларининг ҳиссаси катта.

«Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси Я. А. Илиади раислигидаги район Советининг қурилиш ва ободончилик доимий комиссиясининг бу соҳадаги ишлари мақтовга лойиқ. Ўтган йили комиссия ташаббуси билан уй-жой, маданий-маиший объектлар, ишлаб чиқариш биноларини қуриш ва ободончилиққа доир 21 та масала район Совети ижроия комитетининг мажлислари муҳокамасига киритилди. «Район хўжаликларида қишлоқ қурилишининг аҳволи» ҳақидаги масала эса район Советининг сессиясида атрофлича муҳокама қилинди.

Район, қишлоқ Советлари ва уларнинг ижроия комитетлари назоратининг кучайганлиги орқасида қурилиш ташкилотларининг фаолияти анча активлашди. Йилик ва квартал қурилиш-монтаж ишлари планларини муттасил ошириб бажаратган М. Ғ. Володько бошчилик қилаётган 7-механизацияланган кўчма колонна қурувчилари шу йилнинг ўзида икки марта область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга муяссар бўлдилар.

Шунингдек, М. Султонов раҳбарлик қилаётган колхозлараро қурилиш бошқармасининг коллективи ҳам қурилиш-монтаж ишлари плани ва топшириқларини муттасам бажараётир.

«Ўзсельхозтехника» район бирлашмасида ремонт заводи, темир йўлга туташган склад бинолари, клуб, идора, ошхона, чойхона ва уй-жой биноларн қурилди. Бошқарма ишчи-хизматчиларининг бу янги посёлкасида яшовчиларнинг уйларини электрлаштириш, радиолаштириш, газлаштириш тўлиқ амалга оширилди. Посёлка марказидан қазилган артезиан қудуғининг сувн водопровод орқали ҳонадонларга етказиб берилган. Посёлкани қўкаламзорлаштириш борасида ҳам анча иш қилинди.

Карл Маркс номли колхозда барча қулайликлари мавжуд бўлган Халқобод посёлкаси бунёд этилди. Ўртоқ Кўйлинов ва район Совети депутатларидан Хурсанд Жўраева, Ойнахол Холиқулованларнинг бошчилигида Карл Маркс номли колхозда 7 та дала шийпонига пол қоқилди. Пахтачилик бригадасидаги дала шийпонларнинг ҳаммасида тандир, ошхона, душ қурилди. 18 та дала шийпони қошида ҳовуз барпо этилди. Хонадонлар электрлаштирилди, 25 километр қишлоқ йўллари тартибга келтирилди.

Тоғ орасида бунёд этилган Пачкамар сув омбори қурувчилари посёлкасини қуришда район Советининг депутати Юсуф Исматов, район марказидаги касалхонани кенгайтириш, қўкаламзорлаштиришда депутат Нусур Маликов, Хурсанд Турсунова ўртоқлар зўр ташаббус ва ташкилотчилик кўрсатдилар. Улар сайловчилар наказларини шараф билан амалга оширишда ҳам алоҳида жонбозлик қилмоқдалар.

Лекин, ҳамма ерда аҳвол бирдай эмас. Баъзан маҳаллий Советлар ижроия комитетлари, депутатлар ободончиликдек муҳим ишга етарли эътибор бермаётирлар.

Гулистон қишлоқ Совети (раиси Ўртоқ Эсонов), Куйбишев қишлоқ Совети (раиси Ўртоқ Раҳматуллаева), Деҳқонобод қишлоқ Совети (раиси Ўртоқ Абраев) қурилиш ва ободончилик иши билан яхши шуғулланмаётирлар. Бу қишлоқ Советларининг ижроия комитетлари кейинги икки йил мобайнида қурилиш ишлари ва ободончиликка доир бирорта ҳам масалани сессия муҳокамасига киритмаганлар. Шунинг натижасида айрим объектларнинг сифатсиз қурилиши, қурилиш муддатларининг чўзилиб кетиши каби фактлар учрамоқда.

«Қишлоқлардаги қурилишни тартибга солиш тўғрисида»ги КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1968 йил 12-сентябрь қарорига жавобан меҳнаткашлар депутатлари район, қишлоқ Советлари, барча депутатлар қишлоқ хўжалик ходимлари ва қурилиш ташкилотлари коллективлари билан биргаликда ўзларининг кучғайратларини қишлоқдаги ишлаб чиқариш, уй-жой ва маданий-маиший қурилишни тубдан яхшилашга, колхоз ва совхоз посёлкаларини ободонлаштиришга қаратадилар. Беш йиллиннинг тўртинчи йили капитал қурилиши соҳасидаги вазифаларни амалга оширишда янада каттароқ ютуқларни қўлга киритадилар.

Н. МАҲСУМОВ,
Меҳнаткашлар депутатлари Ғузор район Совети ижроия комитетининг раиси.

АХБОРОТ

Советлар мамлакатида

● ТЕМИР ОҚИМИ

КРИВОЙРОГ. Кривойрог хавзасининг чеккасида йилига 3,5 миллион тонна хом темир рудаси берадиган Анново конининг биринчи навбати қуриб битказилди. Карьернинг поналарида юқсак унумдор агрегатлар, кучли экскаваторлар ишлаб турибди. Хом ашёнинг дастлабки тоннолари қазиб олинди. Улар шимолий кон саралаш комбинатида сараланади.

● ТАНКЕРГА ҚАҲРАМОННИНГ НОМИ БЕРИЛДИ

РИБАЧЬЕ, (Қирғизистон ССР). Оппоқ ялтираб турган танкер тантанали вазиятда баланд тоғликдаги Иссиқкўлга туширилди. Кемасозлар унга Москванинг шонли химоячиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони генерал И. В. Панфилов номини бериш. ди. Иссиқкўл пароходчилигининг пешқадам кемаси икки кучли дизел установкалари, такомиллашган навигация жиҳозлари, алоқа ва сигнал воситалари билан ускуналанган.

● ҚИШДА ЁЗ

ТБИЛИСИ. Колхида пасттекислигида январь ойи эканлигини календардан биласиз, холос. Бу ерда офтоб ҳавони 15 градусга қадар қизитмоқда. Колхоз ва совхозларда чойзорлар, боғлар зўр бериб парвариш қилинмоқда, мелиорация ишлари олиб борилмоқда. «Колхидстрой» трести янги йил бошланишини Гал районида ботқоғи қуритилган 6500 гектар ерни фойдаланишга топшириш билан нишонлади. Бу ерда янги субтропик совхози барпо этилмоқда.

● ҲОСИЛ БАЙРАМИ

ДУШАНБА. Карнай-сурнайларнинг садоси тоғли ўлканинг узоқ ва яқин қишлоқларида эрталабдан янграй бошлади. Тожикистонда анъанавий ҳосил байрами. Бутун йил бўйи қилинган меҳнат якуни зўр ҳурмлин билан байрам қилинмоқда. Пахтакорлар ҳамма ерда тантана қаҳрамонларидир. Ўтган йили республика ҳар қачондагидан кўп — 640 минг тонна пахта етиштирди. 1968 йилда ғаллакорларнинг ҳам омади келди—улар нини йиллик планга баравар келдиган ғалла тайёрладилар, ваъдага вафо қилган чўпонлар, соҳибкорлар, таманнинорларнинг ҳам найфияти яхши.

(ТАСС).

ҚОШ ҚЎЯМАН ДЕБ...

БИР ХАТ ИЗИДАН

Қорақулоқ жуда ғалати махлуқ. Жониворлар ичида ўз боласига мунчалик меҳрибон топилмаса керак. Ўз норасидасига азбарои меҳрибонлигидан ялайвериб, унинг терисини шилиб олади. Натижада ёш қорақулоқ ёруғ дунёни кўриб улгурмасданоқ ўлиб кетади. Тошкент шаҳар Киров район ёнгинга қарши кураш командаси бошлиғининг ўринбосари Зокир Валитов ҳам ана шундай ўта меҳрибон киши чиқиб қолди. У ўз фарзандларини ер-кўкка ишонмай ўстирди, уйлантириб, уйи-жойли қилиб қўйди. Қўйинг-чи, бутун меҳрини шуларга бағишлади. Азбароин меҳрибонлигидан катта ўғли Ҳусниддинни бир неча бор уйлантирди ҳам. Бир ўғилга меҳрибонлик бўлса шунчалик бўлар. Ахир у ўз жигарбандининг оиласини икки марта бузиб икки аёлнинг, қолаверса набираларининг «зулми»дан қутқарди. Бироқ, ота ўғлига яна меҳрибонлиги тутиб кетди. Уни тезроқ уйлантириб қўйиш керак, ўйлади ота, — ахир у ёлғиз қийналиб кетади-ку.

Айниқса Насибани кўрганда унинг ўғлига нисбатан меҳрибонлиги ошиб кетди. «Жуда ҳам содда қиз экан, ўғлим Ҳусниддинга унаштирсам соз бўларди-да», ўйлади Зокир ака.

— Қизимиз бўлади-ю, сизга йўқ деймизми, — деди Ҳаким ака, шундай обрўли кишиннинг унга қуда бўлгиси борлигидан суюниб. Бир ҳафтадан сўнг Ҳаким аканинг уйига бўлажак куёв Ҳусниддиннинг онаси Ҳосиятбону совчи бўлиб келди.

— Йўқ! — оёқ тираб туриб олди қиз томон,— инсоф деган нарса борми сизларда, — ахир Ҳусниддинингиз икки марта хотин қўйган экан-ку. Ўн саккизга тўлмаган қизимизни ўшанга раво кўрдингизми?

Совчи дом-мим деяолмай чиқиб кетди. Лекин Зокир Валитов ўз ниятидан қайтгиси келмади. У қиз болани буюм деб ўйлаб, Ҳусниддин олмаса, кичик ўғлим олар деган хулосагача келди. Охири Насибани кичик ўғли Абдурраҳимга унаштирди. Тўй ҳам бўлиб ўтди. Бироқ Насибанинг ўғли Алишер ёшига етмасиданоқ келин бу уйдан бадарга қилинди. Ҳа шўрлик Насибанинг бошига ҳам бу онлага келин бўлиб тушган аввалги икки аёл Шарифа билан Муаттарнинг қисмати тушди. Ҳовлиси ҳувиллаб қолганидан зерикди шекилли, Валитов ҳозир ўғилларига янги қайлиқ ахтариб юрибди. Билмадик, энди қайси шўрлик унинг тузоғига илинар экан.

Шуниси ачинарлики, ёшлар орасидаги келишмовчиликни тугатиш, уларга панд-насиҳат қилиш ўрнига қайнота билан қайнона келин-куёвни баттар ўчакиштирганлар, уларни тезроқ ажратиб ташлашга ҳаракат қилганлар. Келин томон уларни халқ судига бергани ғайри-табиий туюлган бўлса керак, улар қудаларига: — Агар сиз аҳли ота бўлганингизда қизингизга судсиз, тезроқ ажралишни маслаҳат берардингиз, — деб таъна ҳам қилишган.

Киров район халқ суди уларни яраштиролмагач, яхшилаб ўйлаб олиш учун маълум муддатга муҳлат берди. Афсуски, бу даврда ўртоқ Валитов келини Насибани уйига қайтариб олиб келиш ҳақида эмас, унга кўпроқ туҳмат тақаш тўғрисида қайғурянти.

Валитов шаҳар партия комитетига ёзган тушунтириш хатида Насибани ўтакетган ландовурга, хотини Ҳосиятбонуни эса тенги йўқ оилапарвар аёлга чиқариб қўйган. Ҳосият Топилбекова оилапарвар аёл бўлса бир эмас уч келинини ҳам ёмон отлиққа чиқарармиди?

Хўш, шунча тўполонлар бўлиб ўтди-ю маҳалла комитети индамай туравердими, дерсиз? Йўқ. Маҳалла комитети қараб турганн йўқ, уларни яраштиришга ҳаракат қилди, ўртоқлик суди ўтказди.

— Лекин, — дейди маҳалла комитетининг раиси Абдулла ака Саидов, — бу оила бизнинг юзимизни ерга қаратди. Мевазор маҳалласида ҳалигача бирорта оила ажралиб кетишмаганди. Доим яраштириб қўярдик. Подполковник Валитов бўлса ўртоқлик судига келмади ҳам.

Ҳа, Абдулла аканинг айтганича бор. Валитовнинг ўзи хон, кўланкаси майдон. У «Мевазор» маҳалласида яшайди, унинг одамлари билан бир ҳаводан нафас олади. Лекин маҳалланинг на тўйига аралашади, на маъракасига. Одамларга қўшилмайди. Агар бирортаси юзига гапиргудай бўлса, хизматларини орден ва медалларини пеш қилади. У маҳалладаги ҳамма одамларни савдогар деб ҳукм чиқарган. У хизматлари эвазига орденлар олганини, бошлиқ ўринбосари эканини, кўп йиллардан буён партия сафида ҳалол хизмат қилаётганини яхши билади, лекин ёмон оила бошлиғи эканини, болаларини нотўғри тарбиялаганини тан олгиси келмайди. Йўқ, у буни тан олмайди. У ўғилларига тўғри тарбия берганда эди, бегуноҳ аёлларнинг бахтини завол қилмаган бўларди.

Энди Абдурраҳим ҳам, Ҳусниддин ҳам ўз тақдирларидан эмас, ота-оналаридан ўпкаласинлар. Чунки оналари менга чўри керак, бу келиннм чўрилик қилолмади, қўйиб юбор, бошқасини топамиз, — деганида оталари янги тўй ҳаракатига тушмай: ҳой хотин, ахир бу ҳам одам боласи-ку, набираларимизнинг ҳоли не кечади, — дейиши керак эди.

Зокир ака ва Ҳосият опага ўхшаш баъзи ота-оналар ўз фарзандларига ўринсиз «меҳрибонлик» қилиб, уларни бебурд, бахтсиз қилиб қўйишади. Бу борада сизга ҳам айтадиган гапимиз бор азиз ота-оналар, эҳтиёт бўлинглар, қош қўяман деб кўз чиқарманглар. Келинлар ҳам фарзанд-ку, ахир!

Ф. ШОҲИСМОИЛОВ.
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

САТРЛАР ҲИКОЯСИ

ҚАРШИ—САМАРҚАНД

Қашқадарё билан Самарқанд областлари оралиғидаги Зарафшон тизма тоғларидан Катта ўзбек тракти Тошкент — Термиз йўли кесиб ўтган. Илгари йўлнинг тоғни кесиб ўтган жойи ниҳоятда хавфли бўлиб, қор-қировли кунларда транспорт қатнови тўхтаб қолиш ҳоллари рўй бериб турарди. Яқинда ана шу жойда кенг ва равон янги йўл солинди. Қаршидаги 6-йўл қурилиш бошқармасининг аэаматлари денгиз сатҳидан 1650 метр баландликда портлатишлари ёрдамида 15 километрдан ортиқ масофада тупроқ ва тош ётқизидилар. Бир миллион кубометрдан ортиқ қоя тошлар юмалатиб, ўйдим-чуқурлар текисланди. Бир неча кўприклар қурилди. Ёғин-сочин сувлари оқиши учун қувурлар ўрнатилди.

Ҳозир ана шу йўлдан автобуслар қатнай бошлади.

ҚАҲРАМОНЛАР ЎЛМАЙДИ

Ҳурматли газетхон, гражданлар урушининг қаҳрамони Майна Ҳасанова, Яккабоғ районидаги Тошқўрғон қишлоғининг жасур ўғлони Насрулло Жамоловлар билан газетамизда босилган мақолалар орқали таништан бўлсангиз керак.

Майна Ҳасанова Қашқадарёда Совет ҳокиятининг ўрнатилишида жонбозлик кўрсатган жасур разведкачи. У революция душманларига қарши аёвсиз курашган.

...Деҳқоннинг пешона тери билан бунёд этилган пахта хирмонлари ёнмоқда. Насрулло Жамолов хизмат қилаётган қисм ёрдамга шошилади. Пахтанинг меҳнатини татиган Насрулло ёнгинни ўчиришда катта матонат кўрсатади. У халқ мулки учун ўз жонини қурбон қилишдан ҳам қайтмайди.

Яқинда қашқадарёлик ҳар иккала қаҳрамоннинг акси туширилган почта открткалари чиқарилди. Расмларни мўйқалам устаси А. Визель ишлаган бўлиб, бундай открткалар Тошкент офсет фабрикасида кўп тиражда босиб чиқарилди.

П. ГАДОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА

БИЗ—ЛЕНИНЧИ ИНТЕРНАЦИОНАЛИСТЛАРМИЗ

Социалистик жамиятимизнинг энг катта бойликларидан бири — совет кишиларининг ўзаро қардошларча дўстлигидир. Бу дўстлик Улуғ Октябрнинг бўронли йилларида туғилиб, мамлакатимизда янги жамиятни қуриш, Улуғ Ватан уруши йилларида, коммунистик қурилишни авж олдириш дамларида ҳаёт имтиҳонидан ўтди.

Совет халқларининг Ленин васият қилган дўстлиги мавзун Тошкент Давлат педагогика институтининг комсомоллари ташкил этган ленинча ўқувида етакчи тема бўлди. Институт ректори профессор Ш. Абдуллаев, фалсафа фанлари доктори Э. Юсупов, студентлардан Н. Шербоев, Р. Қидирбоева, В. Гуртавая, Л. Қаюмова, аспирант С. Ўтановларнинг қалб сўзлари мисолида халқларимиз дўстлигининг нималарга қодирлиги кўрсатиб берилди.

«Еш ленинчи» газетаси шу ленинча ўқиш ҳақида бир саҳифа материал бериб, ёш газетхонларни хушнуд этди.

ЛЕНИНГА БАҒИШЛАБ

Когон районидаги **«Коммунистик меҳнат учун»** газетаси буюк устоз В. И. Ленинга бағишланган махсус сонлар чиқара бошлади.

В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги олдидан доҳийнинг улкан ва бой назарий меросини ўрганиш ҳамда уни меҳнаткашлар ўртасида кенг пропаганда қилишга бағишланган махсус сонлар чиқарилмоқда. «Қурувчилар юбилейга» деган умумий сарлавҳа остида газета мухбирининг «Бухарагазпромстрой» 7-қурилиш бошқармаси план бўлимининг бошлиғи Л. И. Воеводский билан қилган суҳбати, В. И. Ленин Сибирь сургунида мавзуидаги саҳифа ва бошқа ранг-баранг материаллар, фотосуратлар берилган.

ЯНГИ УФҚЛАР

Бухоро районида чиқадиган **«Ленин байроғи»** газетаси саҳифаларида «КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми қарорларини амалга оширамиз!» деган доимий рубрика очиб, дала меҳнаткашлари, ирригаторлар, механизаторлар, бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг мазмундор материаллари мунтазам бериб борилмоқда. Газетанинг кейинги сонларида Энгельс номли колхоз раиси республикада хизмат кўрсатган пахтакор Р. Ботиров, «Маданият» колхозининг бригадири А. Эгамбердиев, «Узсельхозтехника» район бирлашмаси бошлиғи Ф. Аллоев, биология фанлари кандидати М. Юнусов ўртоқларнинг мақолалари босилди.

ФАН—ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

ПАХТАНИНГ ДУРАГАЙЛАРИ

Узун ва ингичка толали Вахш пахта тураро дурагайлари туркуми яна бешта янги формаси билан тўлди. Бу янги формалар мисли кўрилмаган ҳосил—ҳар гектаридан ўрта хисобда 75-90 центнердан пахта беради. Ҳамма навдаги пахта туплари намойиш қилинаётган Тожикистон халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида Вахш навлари дурагайлари йирик-йирик чаноқлари билан кўзга яққол ташланиб туради.

Янги тураро дурагайлар Тожикистон қишлоқ хўжалиги илмий тадқиқот институтида узун толали ва ўртача толали тез пишар ва жуда серҳосил навларни мураккаб комбинациялаш йўли билан чиқарилди. Мана шу дурагай формаларда гетерозис айниқса зўр куч билан намоён бўлмоқда. Республиканинг бир-бирларидан иклимий ва тупроқ шароитлари билан фарқ қилувчи тўрттала пахта зоналарида ўтказилган бу йилги синов конкурсларида янги дурагайлар ҳосилдорлик ниҳатидан чемпион бўлди.

Тожикистон қишлоқ хўжалиги илмий тадқиқот институтининг директори Н. Мансуров ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди:

— Биз тураро дурагай чигитларини етиштириш юзасидан дастлабки тажриба ортирдик. Пахтачиликда гетерозисдан фойдаланиш толаси эзло даражадаги пахта ҳосилини жуда кўлайтирадиган кўринади.

(ТАСС).
ДУШАНБА

Қашқадарё область Шаҳрисабз районида Шукур Бозоров, Пўлат Бобоев, Тошпўлат Хидировларни энг яхши пропагандист сифатида кўпчилик танийди. Улар кўп йиллардан бери ўз билим ва маҳоратларини марксча-ленинча назарияни ўрганувчиларга жон-дилдан ёрдам беришга сафарбар этиб келмоқдалар. Суратда: ана шу маҳоратли уч пропагандист акс эттирилган.

А. Тўраев фотоси.

АПН хабарлари

ВОРОШИЛОВНИНГ СОВҒАСИ

Совет Иттифоқи Маршали Климент Ефремович Ворошилов ўзининг қилич, револьвер ва «Ҳаёт ҳақида ҳикоялар» номли эсдаликлар китобини Қизил Байроқ орденли Қора денгиз флотининг Севастопольдаги ҳарбий-денгиз музейига совға қилиб топширди. Маршалнинг совғаси музей кўргазмалари қаторига қўйилди.

100 ЁШЛИ ЖАМИЯТ

Ҳозир Ульяново областида мингдаб врач ва фармацевтлар ишламоқда. Дастлабки врачлар жамияти эса бу ерда бундан 100 йил аввал ташкил қилинган эди. Ўшанда бир неча ташаббускор врачлар губерниядаги доимий юқумли касалликларга қарши кураш бошлаган эдилар. Уларнинг озгина маошлари ҳисобига қашшоқлар учун касалхона очадилар, Фақат 1880 йилга келганда шаҳар бошқармаси 25 ўринли шифохонани давлат ҳисобидан очишга рухсат беради.

Симбирскли врачлар губерния бўйлаб юриб, кишиларни даволайдилар, айни пайтда илмий-тадқиқот ишлари олиб боришга ҳам вақт топадилар, ўзлари олиб борган кузатиш натижаларини эълон қиладилар. Маълумки, В. И. Ленин ўзининг «Россияда капитализмнинг ривожланиши» асарида симбирсклик санитария врачи П. Ф. Кудрявцевнинг маълумотларидан фойдаланган эди. Ана шу врач тўплаган далилар асосида В. И. Ленин самодержавиенинг меҳнаткаш халқ тақдири ҳақида қанчалик «қайғураётганини» фош этган эди.

Октябрь революциясидан кейин аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, кишиларни даволаш текин бўлди. Совет ҳокимияти йиллари да Ульяново областидаги ҳамма юқумли касалликлар илдизи билан йўқотилди. Врачлар жамияти махсус секциялар ташкил этди. Бундай секциялар областда 15 тадан ортади. Жамият аъзоларининг кўпчилиги кандидатлик ва докторлик диссертациялари устида иш олиб бормоқдалар. Врачларнинг катта группаси эса қишлоқ аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатиш проблемаларини ўрганмоқдадар.

ЗАНГНИ ЕНГГАН «ҚАЛАМ»

Ҳар йили ер юзида эритилган пўлатнинг 20-30 процента ё қайта қўйилади, ёки уни занг «еб ташлайди». Кейинги пайтларда занглашнинг олдини олиш учун пластмасса қоплагичлардан кенг фойдаланилмоқда.

Ленин деталларнинг устини пластмасса қоплагичлар билан беркитиб чиқиш жуда оғир меҳнат бўлиб, кўп вақт талаб қилади. Мана шу жараённи осонлаштириш йўлида Белоруссия ССР Фанлар академиясининг полимерлар механикаси бўлимининг бошлиғи Владимир Велий оригинал усулни ишлаб чиқди.

Токарлик станоги ёнига махсус пластмасса «қалам» ўрнатилади. Асосий иш битгандан сўнг токарь детални пластмасса «қалам»га тегизиб айлантира бошлайди. Деталнинг қизиб турган устига маълум миқдорда қалам эриб қотади.

Ихтиочи пластмасса «қалам»нинг бир неча турларини ишлаб чиқди.

ЧИЛОНЗОР: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

Башартқ Чилонзорга йўлимиз тушиб қолса, Бўржар кўприги устида бир зум тўхтаймиз. Ҳа ёлга чўмамиз, тарновдан оқ кўпиклар сачратиб оқаётган сувга тикиламиз. Шу сув бир вақтлар жарликда оқарди. Ўша пайтда омонатгина ўрнатилган ёғоч кўприкдан аваллар ўтардик. Юқорида эса бепоён далалар ястаниб ётарди. Шунга ҳавасим келарди. Олислардан кўзга ташланадиган манзара шу эди: боғлар, пастак уйлар, ўтлаб юрган қўй-қўзилар.

Бу жойнинг Чилонзор шаҳри деб аталганига фақат 12 йилгина бўлди. Совет кишиларининг қудрати, келажакка ишончи тоғларни талқон қилиб, чўлларни бўстон айлайди.

Яқинда йўлимиз яна Бўржарга тушди. Аввалгидек жимжит ва сокин, аммо кўм-кўк майсалар ўртасида ўнлаб кўтарма кранлар пайдо бўлибди. Қурувчилар келишибди. Бульдозерчи ва тракторчилар майдончани текислаб, янги бинога пойдевор қўйишаётган экан.

Бу пойдевор, бу ишларнинг ҳаммаси Чилонзордек улкан қурилишга қўйилган илк қадам... Биз ҳикоя қилаётган бу воқеанинг содир бўлганига кўп йиллар бўлди. Ишлар шундан кейин жуда қизиб кетди, янгидан-янги ўрнатилаётган кранларнинг, қад кўтараётган иморатларнинг пойдеворлари қўзиқориндек ўсиб чиқа бошлаганини кўриб, қайрон қоласан, киши.

Рақамларга бир назар ташланг: биргина 1956 йилнинг ўзидаёқ 250 оила янги уйларга кўчиб кириб, ҳовли тўйлари ўтказилдар. Хўш, бу оилаларнинг ширин-шакар фарзандлари ҳақида ўйланмадими? Дастлаб шулар тўғрисида ўйланди: 110 ўринли болалар боғчаси, 1680 ўқувчига мўлжалланган мактаб қурилди.

1960 йилдан бошлаб эса ҳаёт яна ўзгарди: ғиштин уйлар билан бир қаторда тез қад кўтарадиган йирик панелли бинолар ҳам қурила бошланди. Шу йили 1898 квартирали 52 та уй қад кўтарган бўлса, келаси йилда қурилган уйлар сони 92 тадан, кўчиб кирувчи оилалар сони 3512 тадан ошиб кетди.

Чилонзор қурилиши ана шундай бошланди. У кунлар, ойлар ва йиллар ўтиши билан ўзгариб, улгайиб бора бошлади. Янгидан-янги кварталлар пайдо бўла бошлади, кўчалар очилди, майдонлар, хиёбонлар, боғлар, сайргоҳлар барпо этилди. Эски типдаги хароба уйларда яшовчи миллаб тошкентликлар оиласи ҳартомонлама қулай, роҳати-жон уйларга кўчиб кирдилар.

Янги уйлардан жой олган меҳнаткашларга 1964 йили бир йўла озиқ-овқат ва саноат молларини савдо қилувчи, 257 ишчи ўринли «Савдо марказ» ишга туширилди.

Аҳолининг эстетик завқини ошириш, маданий турмушини яхшилаш борасида қилинган ишлар чилонзорликларни ниҳоятда мамнун қилди. Хамир учидан патир, деганларидек дастлаб 820 ўринли «Чайка» кинотеатри қад кўтарди.

1963 йилда Чилонзор пойтахтимизнинг мустақил районга бўлиб ажралди. Шундан кейин қурилиш янада авж олиб кетди. Янги районни шаҳар билан боғлаш зарур эди, албатта. Шу мақсадда Оқтепа каналига ва Бўржарга катта кўприк қурилди. Янги очилган Муқимий кўчасидан троллейбус, трамвай ва автобуслар қатнай бошлади.

Ахир, 1967 йилнинг охирига келиб, фақат тошкентлик қурувчилар туҳфа этган биноларнинг сони 686 тадан ошиб кетганлигининг ўзи катта галабо эмасми! Бир миллион 5300 квадрат метр майдонни ташкил қилувчи бу уй-жойлардаги квартиралар сони 30 минг 12 тага етди. Болаларни ҳам унутишмади. 10 минг 487 та кичкинтойлар 58 та боғча қўйнида мириқиб ўйнадилар.

Ўтган йилнинг тўққиз ойи ичида талайгина ютуқларни қўлга киритдик, — дейди 153-қурилиш трестининг иқтисод ишлари бўйича бошқарма ёрдамчиси В. А. Мальков.— Шу кунгача 22 минг 467 квадрат-метрга эга бўлган уйнинг калити эгаларига топширилди. 1964 ўринли мактаб, 1120 ўринли болалар муассасаси қуриб битказилганлиги кимни қувонтирмайди, дейсиз.

1966 йил 26 апрель тонготар пайтини тошкентликлар ёдидан чиқаришмайди. Шаҳримизда зилзиладан катта талафот кўрган юзлаб оилалар бошпанасиз қолганда Чилонзор уларни зўр меҳр ва муҳаббат билан ўз қўйнига олди. Мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан қурилиш поездлари турна қатор бўлиб Тошкентга йўл олди. Москва, Украина ва Ленинграддан келган қардош қурувчилар биринчи бўлиб Чилонзорда янги уйларнинг пойдеворига ғишт қўя бошладилар. Қардошларимизга раҳмат! Улар — шу йиллар давомида тиклашган биноларнинг сони мингга етди. Биргина украиналиклар қурувчиларнинг самимий ва дўстона ёрдамлари туфайли районда 19 та шинам уй қад кўтарди.

Чилонзор 3 минг 825 гектар майдонни эгаллаб турган райондир.

Районнинг янги режалари катта. Тўрт қаватли иморатлар билан бирга, кўк билан ўпишгудек бинолар қуриш мўлжалланмоқда. Оқтепа майдонидаги тўқ-қиз қаватли уйлар пардоздан чиқарилди.

Районда улуғ Лекин туғилган куннинг 100 йиллик қутлуғ байрамигача янги, ҳали бошланмаган ва ҳозирги кунда қурилаётган объектларни тугаллаш планлаштирилган. Масалан, шу кунгача бир кечакундузда беш тонна кондитер, 60 тонна макарон ва 150 тонна сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи йирик озиқ-овқат комбинати, тўқув фабрикаси, гидрометроприбор заводи, мингта енгил машинага мўлжалланган 5 қаватли автогараж, қурувчилар ва пионерлар саройи. Давлат универсал магазини қурилиши битказилади. Яқин орада эса, тўрт қаватли «зангори экран» телеательеси биносига пойдевор қўйилади.

Чилонзорликларнинг кўнгилли дам олишлари диққат-эътиборда. Чилонзорликлар «Халқлар дўстлиги» боғида сайр қилишади, дам олиш зонасида ҳордик чиқаришади.

Куни кеча Чилонзорга бориб шуни ҳис қилдик, қўли гул қурувчилар ишидан фахрландик. Шу райондаги ажойиб уйларда яшаётган меҳнаткаш кишиларни кўриб завқландик, уларнинг иссиқ чеҳралари ва ширин суҳбатларидан қувондик.

Яна Чилонзорга нигоҳ ташлаймиз. Уйлар, уйлар ва яна уйлар... Ижодкор инсон — совет кишисининг куч ва қудратига минг-минг тасаннолар айтгимиз келди.

В. МАҲКАМОВ,
Ҳ. НОСИРОВ.

ЮРАКДАГИ ИЗЛАР

ҲИКОЯ

Уни ҳар куни шу алфозда кўраман.

Аёл кўчанинг нариги бетидан, мен кўчанинг бу томонидан бирбиримиздан узоқлашиб борамиз, унинг озгинроқ қомати, оппоқ-қина чеҳраси билан қуюқ киприклари кўз ўнгимда сурат бўлиб қолади. Ҳушёр тортиб, мен ҳам жадаллайман. Бироқ, муюлишга етганда яна ортимга секин назар соламан, шу пайтда у ҳам пиғоқ ташлагандек, лаблари пир-пир учгандек бўлиб туюлади менга. Қалтираб кетаман. Ўзимни қайрағоч панасига олиб сукут билан йўлга толаман. Жувон коляскадаги қизчаси билан икки қаватли ғиштин бинога киради. Кўп ўтмай, ёлғиз чиқиб, бошқа йўлга бурилади-ю, поликлиника биносига сингиб кетади.

Аммо, кечқурун яна бир бошқа ҳолга дуч келаман: ўша коляска баланд бўйли, чиройли кийинган бир йигит қўлига ўтади; у аёл юрган йўллар билан ортга қайтиб боради.

Бу таажжубли ҳолатдан ғоят маъюсданаман. Ўзимни гуноҳкор санайман. Баъзан фикримдан қайтиб, ишимдан хурсанд бўламан, бошимни мағрур кўтарамаман.

Эҳ, бу мағрурлик, эҳ, йигитлик ғурури. Сен менга қанчалик азоблар гирдобига отмадинг, қанчалик сўзларда ёндирмадинг? Сен бўлмаганингда, ўша пайтларда қалбимни макон қилиб олмагаингда, эҳтимол бу жувон билан доимо бирга қадам ташлармидим, коляскани бирга суриш насиб қилармиди менга? Кимда гуноҳ: сендами ёки менда? Мағрурлик, дамо ё бўлмаса ўша аёл айбдорми ҳаммасига?

Қани, ўзингга бир ҳисоб бериб боқчи — нималар ётибди қалб-қалбинг тубида? Уларни кўзгаш билан балки кўнглинг совиб қолар ундан, эҳтимол ўзингни айблар сан яна?..

Кечагидай ёдимда: ўша куни шомга қадар ширин ҳиссиётлар денгизида ғарқ эдим. Оқшом Гулнигор билан учрашдик.

Нечундир тўлқинланардим. Балқиб турган шу очиқ чеҳра нахотки мени рад қилса? Кўз қорачиларидаги менинг аксим нахот бунга йўл қўйса? Бўлмаган гап. Буни тасаввур ҳам қилолмайман.

— Биласизми, Гулнигор,— дедим унинг чап билагидан ушлаб. У ялт этиб менга қаради. Яроқлар орасидан мўралаб турган электр шўъласи унинг қувноб турган юзларини ёритиб юборди.

— Биламан.

— Нимани?

— Сизни.

— Мени? Ростданми? — дедим қувонч билан.— Яхши кўришимни ҳам биласизми?

— Аҳ?..— деди-ю, жимиб қолди у. Ғаваси тўлганидек бўлди. Аммо, бирдан шу ҳолатича қулиб юборди.

— Нега куласиз?

— Мен сизни яхши кўролмаяпман-ку?— деди қулги аралаш. Бу қанақаси бўлди. Менинг қоронғироқда ўтирганимни айтяптими ёки умуман, ёқтирмаслигига ишора қиляптими? Нахотки, мазах қилаётган бўлса?

— Чиндан ҳам яхши кўрмайсизми?— деб сўрадим не ҳолатда.

— Йўқ, кўролмаяпман, — яна нулганча жавоб қайтарди у. Миямга қон урилгандай бўлди.

— Демак, менга тегмоқчи эмассиз... Шундай-а?

Товушим қалтираб чиқди. Ўзимни босиб олиб, Гулнигорга тикилдим. У ҳам кулгидан тўхтади. Менга синовчан назар солди-да:

— Вой, сиз .. Мен ҳали бунақа масалада ўйлаб кўрмаганман, — деди шивирлаб, сўзларига жиддий тус беришга ҳаракат қилиб.

Бунақа жавобни кутмагандим. «Ҳайриятки ҳам пардали қилиб айтди.— деб ўйладим — Очиқчасига айтганидами йигит бошим билан нима қилардим, ерга кирармидим?» Аммо, барибир, баданимга муздек тер чиқди.

— Шунақами?— дедим секингина. Гулнигор индамади. Лекин кўзларини уямасдан мени кузатиб турарди. «Ҳолинг қалай?» дегандай тўлдим буни. Ана холос, демак, энди унинг олдида мулзам бўлиб қолавераманми; йигитлик ғурурим оёқ остига бўлиб кетавераманми? Йўқ, мумкин эмас — мен ҳам таъзирини бериши керак, деган фикр ўтди миямдан ва бирдан хиёбонларга солгандек, қаҳ-қаҳ уриб, кулиб юбордим. Гулнигор озгина очгача анграйиб қолди.

— Бало қиз экансиз, ажойиб қиз экансиз,—дедим ўзга кулгидан тўхтаб.

— Нега?

— Сизни синамоқчи эдим. Аъло ўтдингиз-

— Қанақа синовдан?

—Яна севаркан деб ўйламанг тагин. Ҳазиллашдим. Синаб кўрдим. Ўз севгилим бор менинг.

Гулнигорнинг қўллари қалтираб, икки ёнига беҳол тушди. Ранги оқариб, кўзлари мулаб қолди гўё. Бир нафас сукунатдан сўнг ўрнидан ўзга турди. Лекин, қадам ташлайолмади. Мен эсам, дам ташвиш дам виқор, айни вақтда рақибидан ўч олгандек турланиб турардим.

— Мени синаш сизга нечун керак бўлиб қолди? Нўлингиздан қолманг.

Гулнигорнинг бу сўзлари юзларимга шапалоқдай урилди. Қалбимга ўқдай санчилди. Энгимга ўзимни тиклаб, тоғ чўққисига кўтарилгандек эдим, яна жарликка қулаб тушдим. Ишнинг бу даражада тугашини, хатто қамшаҳарлик туйғуларидан ҳам маҳрум бўлишимни сира кутмаган эдим. Лекин, барибир, йиглишганимни тан олгим келмасди. Шунинг учун қўл силтаб қўя қолдим

«Йигитлик шаънига доғ тушмади. Энди ҳеч кимга «фалончини рад қилганман» деб айтолмайди,— деб тасалли бердим, — шу етади қозирча».

Аммо икки ўт доимо исканжага олиб юрди мени. Мана, орадан шунча йиллар ўтиб кетибди ҳамки, ҳамон ўз ёгимга ўзим қовриламан. дам ўзимни айблайман, дам ҳамма айбларни Гулнигорга тўнкайман.

Бу йиллар орасида Гулнигор институтни тамомлаб, врач бўлди. Мен ҳам муаллимман. Яна ўз шаҳримиздамиз, нақаламиз ҳам оилали, уйли-жойли, фарзандли бўлганмиз Лекин тақдир бизни ҳар куни учраштиришига, эски жарохатларни ҳар сафар титкиладашига унчалик қўшилолмайман. Гоҳ ёвларга ўхшаб, ўқрайиб қўямиз дуч келганимизда, гоҳ ҳиқирингча сирли гиқилиб оламиз бирбиримизга.

Бир куни томоғим оғриб қолди. Ҳароратим борга ўхшарди. Шифо истаб, поликлиникага кирдим. Навбатчи қиз учинчи кабинетга номер ёзиб берди. Юқорига кўтарилиб, кабинет ёнига борсам, ҳеч ким йўқ. Эшикни очиб, иччарига ёв қўйдим. Бирдан юрагим бетолат тепа кетди. Кираримни ҳам қайтишимни ҳам билолмай тўхтаб қолдим. Рўпарамдаги стол ёнида Гулнигор савол назари билан қараб турарди.

— Келинг... — деди у майин товуш билан, лекин унинг товушида қандайдир титроқ бор эди.

— Ҳизмат?

— Томоғим..

Қўлимдан номерни олиб, жой кўрсатди. Ўтирганимдан сўнг, кўлига линейкага ўхшаш металлни олди-да:

— Оғзингизни очинг, — деди. Шундан кейин оғзимни, тангалайимни кузатди,— томоғингиз шамоллабди. Дори ёзиб бераман. Оғзингизни намоёб билан чайиб, шу доридан кунига уч маҳал қабул қиласиз.

— Хўп.

У дори ёзишга тутинди. Менинг миямда турли хил фикрлар..

— Гулнигорхон, — дедим эўрга журъат қилиб, — эслайсизми, мен сизга қўпол бир ҳазил қилган эдим,

— Нимайди?— у ёзишдан тўхтаб, менга жиддий қаради, юзига қизиллик қўнди.

— Аслида ҳазил эмас эди. Сиз мазах қилганингиздан кейин мен..

— Сизни ким мазаҳ қилибди?

— Сиз.

— Мен умрим бино бўлиб, бировни камситган эмасман. Лекин, кулгига ўчлигимни билардингиз чамаси?

— Ўша кулгингизни ва рад маъносидаги жавобингизни мазаҳга йўйган эдим.. Йигитлик ғуруримнинг ҳимоя қиламан деб, қалбимдаги ҳамма туйғуларимни тескари тушунтирганимни ўзим ҳам билмайман

— Қанақа туйғуларни? — ҳайрат билан менга тикилди Гулнигор.

— Энди кечирасиз-у, дедим эўрга ютиниб, нафасим бўғзимга қадалгандек бўлиб, — вақт ўтган бўлсаям, бир ҳақиқатни айтиб қўяй: мен Сизни аслда синамагандим, бор гапни айтгандим. Бошқа севгилим ҳам йўқ эди. Йигит кишининг сазаси қайтмаслиги керак деган қалати бир тушунча менга шундай дейишга, ҳаммасини тескарига буриб юборишга мажбур қилган. Энди эса, ўшанинг азобида ёниб юраман...

— Нахотки шу гаплар рост бўлса! — Гулнигор аввалгидан ҳам кучлироқ ҳайрат билан менга қаради — Биласизми, Камолжон, жуда катта англашилмовчилик, тузатиб бўлмайдиган хато юз берибди. Нимани ҳам тушунолмабмиз бир-биримизни нагижада...

— Э вохх— деб юбордим бирдан ва шитоб билан ташқарига отилдим.

* * *

Ҳозир ҳам уни ҳар куни кўраман. Катта йўлнинг у бетидан ярталаб қизчасини етаклаб ўтади. Баланд қайрағоч тўғрисига келганда йўлнинг бу томонига сал қиё боқади Кўзларимиз тўқнашади. Бошларимизни секин силкитамиз-у, шитоб билан одимлаймиз, аммо қалбларимиз бенхтиёр зириллаб кетади

Муҳаммад САЛОМ.

ФУТБОЛ

«ПАХТАКОР» ШАЙЛАНМОҚДА

Қиш. Боғлар, майдонлар ва уйларнинг томини оппоқ момиқ қор қоплади. Ҳа, бу йил ўлкамизга аёзли қиш таъриф бўюрди. Бундай пайтларда болаларнинг қувончи чексиз экани аниқ, лекин катталарчи?

— Ана, улар.. Мен қор босган хиёбон томонга қарадим. Унда тўп бўлиб олишган кишилар нима ҳақидадир баҳслашадилар.

— Эҳ, шундай ўйинчимизни ялиб кетишди-я!?

— Абдурраимовни айтяпсанми?

— Ҳа-да. Ўша, пешқадам, командамизнинг гурури бўлган Эркинни айтяпман.

— Бу йилги мавсумда «Пахтакор»да янги ўйинчилар ҳам ўйнашар экан; улар «Б» класс командасидан. «Янгиер» командасидан дарвозабон ва ярим ҳимоячи В. Остроухов, В. Елецкий, ҳужумчилар В. Фильдин (АСК, Тошкент), А. Масеосов «Самарқанд» командасидан, ҳимоячилар А. Олейников («Свердлов»), Ю. Ключенков («Андижон»). Бундан ташқари Қарағандининг «Шахтёр» командаси пешқадами Ю. Мелкумовни ҳам командамизга таклиф қилишган.

Яқинда СССР футбол федерацияси президиумининг мажлисида Совет Иттифоқида хизмат кўрсатган тренер, хизмат кўрсатган спорт мастери Михаил Иосифович Якушин «Пахтакор»нинг команда бошлиғи ва катта тренери қилиб тайинланди.

Шуниси қизиқки, навбатдаги чемпионатдаги мусобақалар янги системада ўтказилади. Бунда йигирмата команда, ҳар бири ўнтадан икки поғрупшага бўлинади

Шундай қилиб, пахтакорчилар ўз тренерлари М. Якушин, Е. Елисеев, Е. Валицкий ва Л. Маҳсудов.лар раҳбарлигида янги мавсумда янги галабаларга замин ҳозирлаш учун, рақиблар дарвозасини аниқ ва зарбли тўпларга тутиш учун мураккаб машқларни бошлаб юборадилар.

А. МАЪЗУМОВ.

СПОРТ

ШАҲАРЛИКЛАР—СИЗЛАР УЧУН

Оппоқ момиқдек қор устидан юриб борар экансиз, беихтиёр коникдами, чанғидами учинингиз келади.

Пойтахт аҳолисининг ана шундай истакларини қондириш мақсадида «Пахтакор», «Локомотив», «Динамо», «Старт» стадионларида чанғи ва коникда учиш учун махсус майдончалар ажратилди. Спорт муҳлислари стадионда ижтирилган пронат пунктларидан чанғи ва коникда учиш мумкин. Шунингдек, учишни билмаганларга махсус мутахассислар консультация беришади. Сайр вақтида майдонда ёқимли музика янграйди.

ХАТЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

ИНСОН ҲОКИ ҲУРМАТИ

Меҳнаткашлар депутатлари Қашқадарё область Совети ижроия комитети хабар қилади:

Редакция орқали олинган меҳнаткашларнинг хати юзасидан ўтказилган текширишда қуйидагилар аниқланди.

Косон районидаги Пўлати, Бўлмас қишлоқ Советлари, Қарши районидаги комсомол қишлоқ Совети территорияларидаги қабристонлар қаровсиз қолдирилиши натижасида қабрлар очиқ ости бўлиб кетгани кўрсатилган эди.

Область ижроия комитети бу камчиликни бартараф этиш тадбирларини кўрди. Юқорида номи тилга олинган қишлоқ Советларидаги қабристонлар, шунингдек, Қарши районининг Бешкент, Жейнов, Худойзод қишлоқларидаги, Қарши шаҳридаги барча қабристонларнинг атрофи девор ва ихота дарахтлари билан ўралди. Қамаш, Шаҳрисабз ва бошқа районлардаги 17 қабристонининг атрофи ҳам қўналамзорлаштирилди.

* * *

Меҳнаткашлар депутатлари Гурлан район Совети ижроия комитетидан ҳам худди шу мазмунда хат олинди. Унда таъкидланишича, Куйбишев номли колхоз территориясидаги қабристон ҳам тартибга келтирилган. Колхозчилар қабристонни қаҳар йўли билан ободонлаштиргандар.

Халқаро ҳаёт

ХАЛҚАРО КЕСКИНЛИКНИ ЮМШАТИШ УЧУН

А. Н. КОСИГИННИНГ «МАЙНИТИ» ГАЗЕТАСИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБЛАРИ ТЎҒРИСИДА ЧЕТ ЭЛЛАРДА БАЁН ҚИЛИНГАН ФИКРЛАР

ВАРШАВА. Польша газеталари СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигиннинг Японияда ги «Майнити» газетаси саволларига берган жавобларини тўлиқ босиб чиқардилар.

«Трибуна Люду» газетаси қуйидагиларни таъкидлайди: Совет ҳукуматининг бошлиғи ўз жавобларида кўп масалаларга — Вьетнамдаги уруш, Яқин Шарқдаги танглик, қуролсизланиш проблемалари, Европа хавфсизлиги, Осиёдаги аҳвол, СССР билан Хитой ўртасидаги муносабатлар ва СССРнинг Япония билан ҳамкорлиги имкониятлари масалаларига тўхталиб ўтди.

«Глос працы» газетаси А. Н. Косигиннинг жавобларини «Асосий вазифа — жаҳон уруши хавфини йўқотишдан иборат» деган сарлавҳа остида босиб чиқарди.

«Жолнеж вольности» газетаси жавобларда ҳалқаро кескинликни юмшатишга қаратилган ва кечиктириб бўлмайдиган чоралар тўғрисида айтилган гапларни уқтириб ўтади: «Аввало, АҚШнинг Вьетнам халқига қарши олиб бораётган агрессия урушини тўхатиш Яқин Шарқда Исроилнинг араб мамлакатларига қарши агрессияси оқибатларини тугатиш, Европада ҳамкорлик муҳити ва коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтириш ҳамда ёппасига қуролсизланиш соҳасидаги тадбирларни амалга ошира бориш ҳалқаро кескинликни юмшатишга ёрдам берган бўлур эди».

БУДАПЕШТ. «Непсабадшаг» газетаси ўз сарлавҳаларида Совет ҳукуматининг бошлиғи Япония газетаси саволларига жавоб қайтариб, уруш ўчоқларини тугатиш зарур эканлиги тўғрисида, қуролсизланиш проблемаси ҳақида, Совет—Хитой муносабатлари тўғрисида гапирганлигини таъкидлаб ўтади.

«Мадьяр Хирлап» газетаси жавобларни «Янги уруш бошланиши хавфининг олдини олиш керак» деган сарлавҳа остида босиб чиқарди.

ЖАЗОИР. Жазоирда чиқадиган «Ашшааб» газетаси қуйидагиларни уқтириб ўтади: СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин япон газетасининг саволларига жавобларида АҚШнинг Вьетнам халқига қарши олиб бораётган агрессия урушини тўхатиш ва Яқин Шарқда Исроилнинг араб мамлакатларига қарши агрессияси оқибатларини тугатиш ҳалқаро кескинликни юмшатишга ёрдам берган бўлур эди, деб яна бир марта таъкидлади.

Жазоирда чиқадиган бошқа бир газета «Алмужоҳид» газетаси А. Н. Косигин жавобларида «Умумий тинчликка хавф туғилаётган ер курраси нинг турли районларидаги энг хатарли ўчоқларни дарҳол тугатиш» зарур эканлиги тўғрисида айтилган гапларни алоҳида таъкидлаб кўрсатади.

ПАРИЖ. «Юманите» газетаси А. Н. Косигиннинг Японияда ги «Майнити» газетаси саволларига берган жавобларининг баёнини «Косигин ҳалқаро низоларни сиёсий жиҳатдан ҳал этишни таклиф қилмоқда» деган йирик сарлавҳа остида босиб чиқарди.

НЬЮ-ЙОРК. «Нью-Йорк таймс» газетаси «Майнити» газетасининг саволларига А. Н. Косигин берган жавобларнинг баёнини босиб чиқарди ва СССР Министрлар Совети Раисининг Яқин Шарқдаги тангликни тугатиш ҳалқаро кескинликни юмшатиш учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги тўғрисидаги гапларига катта эътибор беради.

«Нью-Йорк таймс» газетаси Совет ҳукумати бошлиғининг Яқин Шарқ масаласини Хавфсизлик кенгашининг 1967 йил 22 ноябрь резолюцияси асосидагина ҳал этиш мумкин, деган гапларини ҳам таъкидлаб ўтади.

Газета А. Н. Косигиннинг Америка қўшинлари Вьетнамдан олиб чиқиб кетилсин ва Вьетнам халқига ўз тақдирини ўзи ҳал этиш имконияти берилсин, деган даъватини кўрсатиб ўтади. «Нью-Йорк таймс» газетаси Европада ҳамкорлик муҳити ва коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтириш тўғрисидаги даъватга ҳам эътиборни жалб этади.

ВАШИНГТОН. «Вашингтон Дейли ньюс» газетаси Совет ҳукумати бошлиғининг Исроил агрессорлари Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш йўлидаги ғовдир, деган гапларини, шунингдек Вьетнам проблемасининг ҳал этилиши умумий тинчликка таҳдид қилаётган энг жиддий хавфларнинг биринчи йўқотган бўлур эди, деган сўзларини алоҳида таъкидлайди.

РИМ. «Унита» газетаси А. Н. Косигиннинг жавобларини «Американларни Вьетнамдан чиқариб юбориш — тинчликнинг биринчи шарти» деган сарлавҳа остида босиб чиқарди. (ТАСС).

ПАРИЖДАГИ АМЕРИКА ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ЯНГИ БОШЛИҒИ

ВАШИНГТОН, 6 январь. (ТАСС). Никсоннинг матбуот билан алоқа қилувчи ёрдамчиси Рональд Зиглер кечаги матбуот конференциясида айтган гапига қараганда, АҚШнинг янги сайланган президенти Р. Никсон АҚШнинг Германия Федератив Республикасидаги ҳозирги элчиси ва Сайгондаги собиқ элчиси Генри Кэбот Ложни Париждаги музонараларда ўзининг бош вакили қилиб тайинлаган.

ГДР. Гриммента бундан бир неча йил илгари очилган нефть конида қидирув ишлари муваффақиятли олиб борилмоқда. Суратда: 100-нефть пармалаш вишкаси.

АДН—ТАСС фотоси.

«ЭФСО» бундан бир ярим йил илгари Эфиопияда ташкил этилган Эфиопия—Совет қўшма савдосининг фирмаси ана шундай деб аталади. Яқинда Аддис-Абебанинг марказий проспектида мазкур фирмага қарашли янги магазин очилди. Бу ерда «Волга», «Москвич», «ГАЗ-69» енгил автомашиналари ва тракторлар сотилмоқда. Суратда: фирманинг янги магазинида.

В. Матвеев фотоси. (ТАСС).



КОЛОМБО. Бу ерда Цейлонда биринчи бўлиб Совет Иттифоқининг ёрдамида қурилган ун комбинати ишлай бошлади. У йилига 70 минг тоннадан зиёд донни қайта ишлайди. Суратда: Коломбо парки ёнида жойлашган ун комбинати.

В. Шиналябин фотоси. (ТАСС).

РЕДАКТОРЛАР СОЮЗИ ТАРҚАТИБ ЮБОРИЛДИ

АФИНА, 6 январь. (ТАСС). Маҳаллий газеталарнинг хабар беришича, биринчи босқич судининг қарори билан Афина матбуоти редакторларининг союзи тарқатиб юборилди.

Бу союз асосан сўл ва прогрессив нашрларнинг бир неча юз матбуот ходимини бирлаштирар эди. 1967 йил 21 апрелдаги ҳарбий тўнтаришдан кейин уларнинг кўпчилиги ишсиз бўлиб қолган, редакторлар союзи эса аслида таъқиқлаб қўйилган эди.

ЖОСУС ЖАЗОЛАНДИ

ҚОҲИРА, 6 январь. (ТАСС). Бирлашган Араб Республикасининг ҳарбий суди Исроил фойдасига жосуслик қилган қочоқ Тауфиқ Шукрини отиб ташлашга ҳукм қилди.

«Алаҳром» газетасининг хабар беришича, жиноятчи Сувайш каналининг исроилликлар босиб олган шарқий соҳилига қочиб ўтишга ўринаётган пайтда қамоққа олинган. У Бирлашган Араб Республикасининг ҳарбий денгиз кучлари тўғрисидаги маҳфий маълумотларни Исроил разведкасига топшириб берган.

Жосус устидан чиқарилган ҳукм ижро этилди.

ЗАҲАРЛИ МОДДАЛАР ИШЛАТИЛДИ

ПНОМПЕНЬ, 6 январь. (ТАСС). Пномпенда бугун чиққан газеталар берган хабарга кўра, Америка—Сайгон ҳарбийлари бетараф ва мустақил Камбоджага қарши ҳамон заҳарли моддалар ишлатмоқда. Матбуот берган маълумотларга қараганда, Америка—Сайгон авиацияси самолёти билан вертолёти 4 декабрь куни Свайриенг вилоятида Камбоджанинг осмон чегарасини бузиб ўтиб, чегара яқинидаги шолипояларга заҳарли моддалар сочиб кетган. Шу вақт ҳосил ўриб юрган Камбоджа деҳқонларидан бир неча нишон заҳарланганлиги аниқланди.

ОБ-ҲАВО

Шу неча-кундузда Ўзбекистоннинг кўпчилик районларида ҳавонинг бир оз булутли бўлиши, ёғингарчилик бўлмаслиги кутилади. Жануби-шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 15-20, кундузи 5-10 даража совуқ бўлади.

Тошкентда ҳаво бир оз булутли бўлиб, ёғин ёғмайди. Кечаси 17-19, кундузи 6-8 даража совуқ бўлади.

ҲАР ТЎҒРИДА

ЕР ОСТИДА... «ҲАЙВОНОТ БОҒИ»

Бульдозерчи Степан Дидик Тернопол яқинидаги бир тепалиқни текислаётган эди. Унинг кўзи тўсатдан суякларга тушиб қолди. Ернинг остки қаватидан шимол буғизи, ёввойи от, айиқ, мамонт каби ҳайвонларнинг суяги чиқди. Археологлар бу суякларни текшириб кўриб, қадим замонларда бу ерда ибтидоий одамлар яшашган. Бу суякларнинг ер остида қолиб кетганига минг йиллар бўлган, деган хулосага келдилар. Эҳтимол авлод-аждодларимиз бу ҳайвонларни ушлаб келиб «ҳайвонот боғига» қамаб қўйган бўлишлари мумкин.

САРИМСОҚДАН... ХАМИРТУРУШ

Саримсоқнинг шифобахшлиги қадимдан маълум. Лекин унинг ҳиди ўткир ва ёқимсиз бўлганлиги учун кўп кишилар истеъмол қилмадилар.

Познань шаҳридаги доривор экинлар институтида поляк олимлари саримсоқнинг шифобахш хусусиятларини ўргандилар. Саримсоқ жуда кўп хил зарарли бактерияларни йўқотади. Лабораторияда олиб борилган тажрибалар натижасида, саримсоқнинг шифобахш хусусиятларини сақлаб қолган ҳолда унинг ҳидини йўқотиш мумкин эканлиги аниқланди. Ҳозир Познань шаҳрида саримсоқдан хамиртуришга ўхшаш дорилар тайёрланмоқда. Бунинг учун қуритилган саримсоқда хлорофил қўшилади. Бу модда саримсоқнинг ҳидини йўқотади. Тажрибада шу нарса аниқландики, айрим антибиотиклар таъсир этмаган касалларга ҳам саримсоқ дори жуда фойдалидир.

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

▲ ЯНГИ ПОРТ КОМПЛЕКСИ

ВАРШАВА. Щецин халқ Польшасининг энг йирик портидир. Щецин портининг номи яқин орада товар ташиш базаси кўрилаётган Свиноуйсьце билан чамбарчас боғланади. Ҳажми 55 минг тоннагача бўлган оғирликдаги кемалар Свиноуйсьце портига киради. Силезиядаги неча юзлаб завод ва фабрикалар учун керакли фосфорит, темир рудаси Щецин-Свиноуйсьце порт комплекси орқали ўтади. Польша кўмири эса жаҳондаги 40 мамлакатга экспорт қилинади.

▲ ЭНЕРГЕТИКА ДАРЕЛАРИ

БУХАРЕСТ. Руминия энергетиклари ўтган йили қилган ишларининг дастлабки якунларини чиқардилар. Мамлакатдаги электр станциялари салкам 28 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқардилар. Бу эса 1967 йилда ишлаб чиқарилган электр энергияси миқдоридан уч миллион киловатт-соатдан зиёд кўпдир.

Беш йиллик планнинг янги энергетика қувватларини ишга тушириш ҳақидаги топшириқлари муваффақиятли бажарилмоқда.

▲ ЯНГИ ШАҲАР ВА УЙ-ЖОЙ РАЙОНЛАРИ

ПРАГА. Чехословакия бинокорлари янги шаҳарлар, ишчи поселкаларини барпо қилмоқдалар. Бу эса мамлакатдаги қадимий шаҳарларнинг қиёфасини ўзгартириб юборади. Чехословакия бинокорлари ўтган йили уй-жой қурилиши планини асосан муддатидан илгари бажардилар. Острава, Брно, Пльзен ва Чехиядаги бошқа шаҳарларнинг ишчи ҳамда хизматчилари неча ўн мингдаб янги квартиралар олдилар. Прагаинг атрофида йирик уй-жой массивлари вужудга келди.

Словакия бинокорлари уй-жой қурилиши планини муддатидан илгари бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар. Словакия Социалистик Республикасининг гражданлари ўтган йили 16 мингдан ортиқ янги квартира олишди.

Словакиянинг пойтахти Братислава янги уй-жойлари билан Прагадан қолишмайди. Шаҳардаги янги районларнинг планларини тузаётган архитекторлар ва мутахассислар Братиславанинг уй-жой қиёфасини ўн йил ичида икки баравар ортади, деб мўлжалладилар.

Республиканинг шарқида Кошице шаҳри қад кўтармоқда. Бу ерда шарқий Словак индустриал гигантининг металлургларга янги квартиралар олишди.

Республиканинг бошқа жойларида ҳам янги шаҳар ва уй-жой районлари вужудга келтирилади.

▲ КОМБИНАТ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИНМОҚДА

БЕЛГРАД. Зеницадаги металлургия комбинати (Босния ва Герцеговина) иккинчи навбироқлик даврини бошидан кечирмоқда. Ҳозирги вақтда совет мутахассисларининг лойиҳаларига, мувофиқ, бу комбинат реконструкция қилиниб, кенгайтирилмоқда ва модернизация қилинмоқда.

Машина ускуналар келтириш билан шуғулланувчи Белград ташқи савдо «Инвестимпорт» корхонаси Зеницадаги металлургия комбинатининг янги прокат цехи учун керакли машиналар ва ускуналар етказиб бериш тўғрисида Германия Демократик Республикаси ҳамда Чехословакия фирмалари билан битим тузди.

1968 йил мобайнида комбинатни реконструкция қилиш планига мувофиқ қурилаётган бошқа иншоотлар учун керакли машина-ускуналарни Совет Иттифоқидан келтириш тўғрисидаги шартномалар имзоланди. (ТАСС)

БМТ РЕЗОЛЮЦИЯСИГА МУВОФИҚ

РАБОТ. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг резолюциясига мувофиқ ва Марокаш—Испания музокаралари натижасида Марокашнинг Фес шаҳрида Марокашнинг илгари Испания назорати остида бўлган Ифни территориясини (Ғарби-Жанубий Марокаш) Марокашга бериш тўғрисида шартнома имзоланди. Шартнома уни Марокаш короли Хасан 2 билан Испания парламенти ратификация қилганидан сўнг кучга киради. МАП агентлигининг хабарида уқтириб ўтилишича, Ифни территорияси орадан иккиуч ой ўтгач, Марокашга берилади.

Марокашнинг майдони 1500 квадрат километрга ва аҳолиси салкам 60 минг кишига борадиган Ифни территорияси ҳозирги асрнинг бошларидаёқ Испания таъсир доирасига киритилган эди. Кейинчалик уни Испаниянинг мустамлакачи қўшинлари босиб олиб, Испания вилоятига айлантирилган эди. Ифни аҳолиси кўп йиллар мобайнида Испания ҳукмронлигига қарши озодлик кураши олиб борди. Бу кураши Марокаш жамоатчилиги қўллаб-қувватлади.

Марокаш ҳукумати Ифнини ва «Испания Саҳроий Кабири» деб аталувчи бошқа территорияларни Марокашга бериш тўғрисида халқаро ташкилотлар олдига бир неча бор масала қўйган эди. Бу масала БМТ Бош Ассамблеясининг сессияларида ҳамда Африка бирлиги ташкилотида муҳокама қилинди. Аммо Франко режими ҳамиша Марокаш талабларини ҳамда мазкур ташкилотларнинг тавсияларини назар-писанд қилмай келди.

Марокаш жамоатчилиги Ифнининг қайтариб берилишига эришгач, «Испания Саҳроий Кабири»нинг бошқа территорияларини ҳам шунингдек мамлакатнинг шимолидаги Сеуд ва Мелилья районларининг озод этилишини қаттиқ туриб талаб қилмоқда. Бу районлар Испания назорати остида бўлиб, Мадрид уни Испаниянинг ҳарбий денгиз базаларига айлантиргани, бу мустақил Шимолий Африка мамлакатларига таҳдид солиб турадиган.

ТИНЧ ОКЕАНДА ЗИЛЗИЛА

НЬЮ-ЙОРК, 6 январь. (ТАСС). Кеча Тинч океандаги Соломон оролларининг районида Рихтер шкаласи бўйича кучи 7,3 балл.га етадиган зилзила қайд этилди.

АҚШ зилзила миллий информация марказининг хабарига кўра, тебраниш эпицентри Нью-Жоржиа оролларининг районидадир.

ҲОДИСА

ЗУҲРОНИНГ ҲАЁТИ САҚЛАБ ҚОЛИНДИ

Энди 4 ёшга тўлган Зуҳрохон ўйнаб юриб қандай қилиб 4 метр чуқурликдаги қопқоғи очиқ қолган қудуққа тушиб кетганини билмай қолди. Ўлдан кетаётган Мадамин ака Исмоилов унинг аянчли йиғисини эшитиб қолди. У қудуққа тушди. Колхоз аъзолари Парпиев, Мўйдиновлар ёрдамга етиб келдилар. Шундай қилиб, Избоскан районидаги Иби Сино номли колхозининг аъзоси Кўчқорбой Сатторовнинг 4 ёшли Зуҳрохон исмли қизчасининг ҳаёти сақлаб қолинди.

Н. ИСМОИЛОВ.

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Концерт. 9.30 — Фортепьяно, скрипка ва виолончел учун пьесалар. 9.50 — «Коммунистик тарбиянинг ленинча принциплари» (тожикча). 11.15 — «Инсон закованати» (радиоочерк). 11.25 — Концерт. 12.45 — Куйлар. 13.30 — Эстрада концерти (русча). 16.10 — «Композитор Т. Жалилов» (концерт-очерк). 16.50 — «Правда» газетасининг обзори. 17.00 — «Ўзбекистоннинг музыка маданияти». Ўзбек Давлат филармонияси симфоник оркестри. 18.00 — «Аҳолига савдо хизмати кўрсатишнинг янги шакллари» (русча). 18.10 — СССР Давлат рус хорининг концерти. 18.40 — Спорт (русча). 20.00 — «Индустриалашган Ўзбекистон» (радиожурнал). 20.30 — Концерт (саноат ходимлари учун). 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 — Концерт (кишлоқ меҳнаткашлари учун). 22.20 — Қўшиқлар. 22.40 — Шеърият кечаси. 23.15 — Концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

10.55 — Кўрсатишлар программаси.

Ўзбек тилида: 11.00 — Кантата. Таннеш (кўп серияли телевизион бадиий фильм). 11.55 — Лайлам, лар (болалар учун телефильм).

Рус тилида: 12.10 — Мушукчанинг уйи (болалар учун мультфильм). 12.35 — Марек Пегуснинг ажиб саргузаштлари (кўп серияли телевизион бадиий фильм). 13.00 — Шаҳар янги йил арчаси олиб кўрсатилади. 17.35 — Кўрсатишлар программаси. 18.00 — Телеингиликлар.

Ўзбек тилида: 18.10 — Юлдузча (тележурнал). 18.45 — Миллионлар ленинча университети. Социализм сиёсий иқтисоди. 19.00 — Концерт. 19.40 — Телеингиликлар. 19.55 — Кўрсатишлар программаси.

20.00 дан — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 — Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: 18.00 — Ўқувчи календари. 18.20 — Бир қўшиқ ҳақида (болалар учун кўгирчоқ фильм). 18.40 — Спорт («Ешлик» студияси). 19.20 — Танишинг, ёш ижрочилар.

Ўзбек тилида: 20.00 — Рассом ва замон. 20.20 — В. И. Ленининг ҳаёти ва фаолияти саҳифалари. Симбирск йиллари. 20.35 — Салом, Суоми (телефильм). 20.55 — Концерт. 21.35 — Чукотка бошлиғи (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 20.00 — Страфордлик киши (телеспектакль). 21.50 — Бамакодаги байрам (ҳужжатли фильм). 22.10 — Эстрада куйлари.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/I да Бой ила хизматчи (кундуз). Парвона (кечқурун). 9/I да Парвона (кундуз). Бой ила хизматчи (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/I да Навоий Астроболда (кундуз). Қари қиз (кечқурун). 9/I да Фарғона тонг отгунча (кечқурун).

КИНО

Жонсиз мавсум — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Канадалик киши — «ЧАЙКА», «МОСКВА», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), НАВОИЙ номли (эрталаб соат 11-40, кечқурун 6-40, 8-20 минутда).

Қилич ва қалқон (1-2-серия) — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Улар ёнма-ён яшайдилар — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Сиртаки — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Тонгги қўнғироқлар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Жаннатдан қувилган (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз соат 1 ярим, 3-20 минут, 5 ва кеч 10 да).

ТОШКЕНТ МАДАНИЙ ОҚАРТУВ ТЕХНИКУМИ

20 январдан тўлиқсиз ўрта маълумотли ўзбек ва рус группаларидаги битирувчи СТУДЕНТЛАРНИ (сиртқи) 45 КУНЛИК СЕССИЯГА ЧАҚИРАДИ:

4-курс кутубхона группаси; 4 ва 5 курс клуб бўлимининг музика-хор группаси; кутубхона бўлимининг ўрта маълумотли 2 махсус курслари, клуб бўлимининг 4 махсус курс музика-хор группаси.

Адрес: Тошкент шаҳри, 2-Чимбой кўчаси, 91-уй (7-трамвай, 28, 38, 49-автобусларнинг «Студентлар шаҳарчаси» бекати).

МОТОЦИКЛЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Росглавкооппромторг»нинг Саратов базаси гражданларга почта орқали устама ҳақ билан ИЖ-49, ИЖ-56, ИЖ-Планета, ИЖ-Юпитер мотоциклларининг эҳтиёт қисмларини юборади. Буюртмалар Саратов шаҳар-2, Валовая кўчаси, 34-уйга юборилсин.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 28. Редактор — В36545. Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323. Масъул секретарь — В34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — В37283. Партия турмуши — В33469. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — В31216. Халқаро ҳаёт — В37604. Коммунистик тарбия — В31455. Саноат капитал қурилиш ва транспорт — В34780. Совет қурилиши — В33258. Қишлоқ хўжалиги — В37604. Адабиёт ва санъат — В32036, В37221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — В34451. Маҳалли ахборот ва спорт — В32347. Оммавий ишлар ва хатлар — В38679, В39553. Иллюстрация — В34524. Стенографистка — В37343. Корректура — В37162. Эълонлар — В38142. Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В30253, В30254, В30255, В30256, В30257, В30258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: Андижон 48—85, Бухоро 31—41, Қарши 22—82, Нукус 42—62, Самарқанд 31—972, Термиз 23—27, Фарғона 41—88, Урганч 34—55.

№ В. — 6. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Р. 02528.